

«QO'YLIQ DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati
Акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилиши
Б А Ё Н И

2026 йил 8 апрел соат 12.00.

Тошкент шаҳри.

Умумий чиқарилган акциялар сони – 1 040 173 дона
Жами жойлаштирилган акциялар сони – 1 040 173 дона

Акциядорларнинг 2025 йил молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Бектемир тумани Фарғона йўли кўчаси, бозор майдони манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2026 йил 8 апрел куни ўтказилди.

Йиғилишда 986390 овозга эга 5 та акциядор катнашди, бу жами акциядорларнинг 94,81 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда раисликни кузатув кенгаши аъзоси Т.К.Камолов олиб борди. Т.К.Камолов йиғилиш ўтказиш учун кворум 94,81 % булганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қуйди.

Йиғилиш катнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, О.Ким номзоди таклиф этилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Т.К. Камолов -Кузатув кенгаши аъзоси

Ш.Ш.Шамансуров -“Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари

Ш.Рафиқов - «Qo'yliq dehqon bozori» АЖ директори.

Йиғилиш раиси Т.Камолов умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масала киритилганлигини маълум қилди:

Йиғилиш кун тартиби:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
4. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш;
5. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
6. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш ва унинг фойдасини тақсимлаш;
7. Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш;
8. Жамият директорини сайлаш;
9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи;
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
11. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;
12. Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

Йиғилиш раиси Т.Камолов кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қуйди. Ушбу таклиф овозга қуйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси тушинтириш бериб йиғилиш санок хайъатига қуйидаги ходимларни сайланишини таклиф этди: Н.Мирқадирова, Н.Касимова ва Г.Шариббаевалар.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** буйича мажлис раиси тушинтириш бериб, йнгилиш регламентини куйидагича таклиф этди: Кун тартибидаги асосий масалаларга 5 минутгача, колган масаланарга 5 минутгача вақт берилиши, сузга чикувчиларга хар бир масаладан сунг сузга чикиш ва уларнинг хар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи киритилди.

Йнгилиш кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан Кузатов кенгашининг йиллик хисоботи ва жамият ижроия органининг 2025 йил якуни буйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тингланди. Хисоботда акциядорлик жамияти томонидан 2025 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтилди. жумладан 2025 йилнинг якуни буйича ялпи даромад режаси 15 833 412,0 минг сўм бўлган, амалда 15 896 684,0 минг сўмга ёки 63 272,0 минг сўмга кўп бажарилгани, мажбурий харажатлар режаси 12 667 748,0 минг сўмни ташкил этиб, амалда 13 427 323,0 минг сўмга харажат қилинган режага нисбатан 759575,0 минг сўмга кўп харажат қилинган. Соф фойда режаси 1 175 382,0 минг сўм бўлиб, амалда 557 392,0 минг сўмга режага нисбатан 617 990,0 минг сўмга кам бажарилганлигини маълум қилди.

Жамият директори Ш.Рафиков уз сузини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши булган акциядорлик жамиятлари ва бошка хужалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида “Давлат улуши булган акциядорлик жамиятлари ва бошка хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва куллаш ҳамда такдим этилган рақамларга асосан 2025 йил якунлари буйича олинган СЙК (КПЭ) = 117,33 % ташкил этаётганлиги боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма қурсаткичларига асосан, урта даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йнгилиш кун тартибидаги **туртинчи масала** буйича «BALANS-INFORM-AUDIT» МЧЖнинг 2025 йил якуни буйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини жамият бош хисобчиси Ш.Исломов ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия хисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши хақидаги 2026 йил 18 февралдаги ижобий хулоса берилгани хақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** буйича жамият бош мухосиби Ш.Исломов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2025 йил якуний баланси хақида юзасидан тўлиқ хисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала буйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йнгилиш кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан жамият бош хисобчиси Ш.Исломов жамият ташқи аудитори «BALANS-INFORM-AUDIT» МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс қўрсаткичларига мувофиқ, 2025 йил якуни буйича 557 392 000 сўм соф фойда олингани инобатга олинсин. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2026 йилнинг 1 июлига қадар 2025 йил якунлари буйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдориде ажратмалар ва давлат улуши буйича дивидендлар хисобланади ҳамда 2025 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин казиб олувчи корхоналар 2025 ва 2026 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказиши” деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 278 696 000 сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш ва колган соф фойда, яъни 278 696 000 сўмни жамиятни ривожлантиришга колдириш таклифини айтди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала буйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича жамият иқтисодчи Д.Джумаев сўзга чиқиб, 2026 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан

йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2026 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салохиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва кўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йулларини излаш кўрсатилганини билдирди, («Бизнес-режа», «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **саккизинчи масалага** бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, 2026 йил 10 март куни ўтказилган жамият кузатув кенгашининг йиғилишида жамият ижроия органи раҳбари (директор) лавозимига танлов эълон қилинганлиги, ушбу ҳақда тегишли ташкилотларга маълумотлар тарқатиб, эълонни жойлаштириш чоралари кўрилганлиги, танлов муддатларини белгилаб, танлов хайъати аъзоларининг таркиби тасдиқдан ўтганлигини таъкидлаб, бугунги йиғилишга танлов хайъати аъзолари томонидан тайёрланган хулоса билан йиғилиш аъзоларини таништирди.

Мажлис раиси уз сузида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида»ги 4720-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда 2016 йилда ўтказилган акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан жамият уставига «жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, қонда тарихида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади» деган банд киритилганлиги инобатга олиниб, жамият ижро этувчи орган раҳбари лавозимига муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилиб, ижро этувчи орган раҳбари лавозимига нисбатан қўйилган малака талаблари кўрсатилган ҳолда жамиятнинг веб сайтига эълон жойлаштирилганлиги, матбуотга эълон берилганлиги, корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz) эълон жойлаштирилганлиги билдирди.

Мажлис раис жамият томонидан берилган маълумотга кура танлов 2026 йил 10 мартдан – 2026 йил 25 март кунига қадар давом этганлигини ва шу муддат ичида битта номзоддан таклиф тушганлигини айтиб ўтди:

1. Рафиков Шерзод Хикматуллаевич - жамият директори вазифасини бажарувчи

Мазкур масала бўйича акциядорлардан саволлар булмаса уз бюллетенларига овозларини кайд этишлари суралди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи масалага** утиб, 2025 йил 04 апрел куни ўтказилган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида жамият кузатув кенгаши аъзолари қонунчиликка ва жамият уставига кура 3 (уч) йил муддатга сайланганликлари ва уларнинг таркибига ўзгартириш йуқлиги айтиб утиб, ушбу масала бўйича бошка савол ва таклифлар булмаганлиги муносабати билан акциядорлардан уз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи масала** бўйича жамиятнинг қимматли қозғалар бўйича мутахассиси О.Ким сўзга чиқиб, жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2025 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича «BALANS-INFORM-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳоланганлиги, хулоса натижаларига кура «Қуйлик дехқон бозори» АЖ 7 балл йиғиб, унга «қонқарли» баҳо берилганлигини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан таништирди(аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн биринчи масала** бўйича жамият бош мухосиб Ш.Исломов сузга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни»га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг қўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2026 йил фаолияти учун аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушгани:

1 «BALANS-INFORM-AUDIT» МЧЖ – 18 000,0 минг сум (ҚҚС билан)

2. «NAZORAT-AUDIT» МЧЖ – 34 000,0 минг сум (ҚҚС билан)
3. «XB FINANSE KONSULTING» МЧЖ - 25 000,0 минг сум (ҚҚС билан)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Умумий йигилиш кун тартибидаги **ун иккинчи масала** бўйича мутахассиси сўзга чиқиб Давлат активларининг 2025 йил 22 декабрдаги 01/09-2-17/4340-сонли курсатмасига асосан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қушимча ва узгартиришлар киритиш тугрисидаги 2025 йил 27-ноябрдаги УРК,-1097-сонли Қонуни ва бошқа қонунчилик асосида жамиятнинг янги тахрирдаги Устави ишлаб чиқилганлигини билдириб, ушбу Устав лойихаси билан йигилиш аъзоларини таништирди. Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йигилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.
(танаффусдан сўнг)

Санок хайъати мажлис катнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	2-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	3-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
4-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	5-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	6-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
7-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	8-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	9-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
10-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	11-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	12-масала Ўқлаган 986390 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги барча масалалар атрофлича муҳокама қилиниб

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Кун тартибидаги 1 масала бўйича: “Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш”. Ушбу масалага овоз бериш натижалари: (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).Йигилиш санок комиссияси аъзолари 3 кишидан иборат қилиб қуйидаги таркибда тасдиқлансин: 1) Н.Мирқадирова, 2) Н.Касимова 3) Г.Шариббаева.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича: Жамият акциядорларининг умумий йигилиш регламентини тасдиқлаш; (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

Кун тартибидаги асосий масалаларга 5 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сузга чиқувчиларга ҳар бир масаладан сунг сузга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи тасдиқлансин; (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

3. «Qo'uliq dehqon bozori» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тугрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувига мувофиқ МБХС ижобий аудиторлик ҳулосаси инобатта олинсин. (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

5. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатта олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хужалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб вараги тасдиқлансин (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

6.1. Жамият ташқи аудитори «BALANS-INFORM-AUDIT» МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2025 йил якуни бўйича 557 392 000 сўм соф фойда олингани инобатга олинсин. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2026 йилнинг 1 июлига қадар 2025 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2026 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 278 696 000 сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин ва қолган соф фойда, яъни 278 696 000 сўм жамиятни ривожлантиришга қолдириш тасдиқлансин. (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

7. Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

8. Жамият директори этиб Рафиқов Шерзод Хикматуллаевич сайлансин (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

8.1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ,-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори Ш.Рафиқовнинг меҳнат шартномаси уч йил муддатга тузилсин.

8.2. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича булиб утадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи куриб чиқилади ва бунда меҳнат, шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

9. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолари қонунчиликка ва жамият уставига қура 3 (уч) йил муддатга сайланганликлари ва уларнинг таркибида ўзгартириш йўқлиги қабул қилинсин (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

11. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «BALANS-INFORM-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп чегараси 18.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

12. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устав тасдиқлансин (ёқлаган 986390та овоз – 100%, қарши ва бетараф – йўқ).

Йиғилиш раиси

Т.Қамолов

Баённи олиб борди

О.Қим